4.2. Ушбу шартнома асосида тўловлар «**Сотиб олувчи**» томонидан "**Сотувчи**"нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул кўчириш орқали амалга оширилади.

5. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф бошка тарафга етказилган зарарни тўлайди, хамда ЎзР «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукукий базаси тўғрисида»ги Конунининг 25-32 моддалари, ЎзР Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-1, 212 –моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қулланилади.

5.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилганлиги учун **«Сотувчи»** кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5% микдорида, бироқ етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаган микдорда, пеня тулайди

5.3. Етказиб берилган товарлар хақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «**Сотиб олувчи**» ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Фавқулотда тусдаги ҳолатлар хамда енгиб бўлмайдиган куч натижаси туфайли тарафларда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаса, улар жавобгарликдан озод этиладилар.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал килиб бўлмайдиган низолар Кармана туманлараро иктисодий суд оркали хал қилинади.

7.3. Ушбу шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда шартнома тарафлар розилиги билан бекор килиниши мумкин.

8. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

8.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 31 декабрь **2022 йилга** кадар амал килади.

8.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тузилиб, имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

8.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча холатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал этилади.

8.4. Мазкур шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада давлат тилида тузилган.

9. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»	"СОТИБ ОЛУВЧИ"
«Навоий Дори-Дармон» АЖ,210100,	_____
Навоий шахри,Навоий к-си 65,	Манзили _____
х/р20208000000306028001	х/р _____
ТИФ Миллий Банк Навоий булими,	банк _____ МФО _____
МФО 00196,СТИР 200 000034	СТИР _____
ОКЭД 46460 тел.0(436)224-54-51,224-27-36	ОКЭД _____
М.У. _____	*Газначилик булими* _____
Ижрочи _____	*х/р* _____
юрист _____	*банк* _____
	СТИР _____ *МФО* _____
	_____
	Рахбар _____
	М.У. (имзо Ф.И.О.)

NAVOIY VILOYAT BOLALAR KO'P TARMOQLI TIBBIYOT MARKAZI
YURIDIK MANZILGOH: NAVOIY SH. V. BULAT-16
SHXR:1000218601240170731010[illegible]
SHXR: _____
BANK NOMI: TOSHKENT SH. MARKAZIY BANKNING BOSH BOSHQARMASI HISOB-KITOB KASSA MARKAZI
BANK KODI (MFO) 00014
STIR: 201945874; XXTUT:91511; KTUT:16306617
MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI
G'AZNACHILIK H/R: 23402000300100001010
BANK NOMI: TOSHKENT SH. MARKAZIY BANKNING BOSH BOSHQARMASI HISOB-KITOB KASSA MARKAZI
BANK KODI (MFO) 00014
G'AZNACHILIK STIR: 201122919